

ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМАСИДА ХУДУДИЙЛИК ПРИНЦИПИ**А. З. Мамадалиев**

Мустақил изланувчи

Шахсийлаштириш воситаси бўлган товар белгиси фуқаролик муносабатларида мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар бозорида мавжудлигини ва у томонидан товар ишлаб чиқарилаётганлигини кўрсатувчи ўзига хос номоддий объект саналади. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг кенг йўлга қўйилиши натижасида товар ишлаб чиқариш ривожланди. Бу ўз навбатида товар белгиларини ижтимоий муомалада бўлиш ҳажмининг ҳам ортишига сабаб бўлди. Оқибатда бозорда оммалашган товар белгисининг обрўсидан фойдаланиб, анча истеъмолбоп бўлган маҳсулотни мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олган ҳолда товар ишлаб чиқаришга нисбатан бошқа шахсларнинг ҳам қизиқишининг ортишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддасида лицензия шартномасининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра “лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беради”. Шунингдек, мазкур модданинг 2-қисмида “лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаш лозимлиги” билан боғлиқ махсус қоида белгиланган. Лицензия шартномасида тарафларнинг олдиндан белгилаб олиши ва шартномада кўрсатилиш лозим бўлган шартларни келишиб олиниши, эртага шартнома тарафларининг товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро келишмовчиликларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шартнома тарафларининг товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ белгиланадиган ҳуқуқлари, товар белгисидан фойдаланиш доираси, яъни лицензиатнинг лицензиардан олган товар белгисидан қайси ҳудудларда фойдаланмоқчи эканлиги, шартноманинг амал қилиш муддати, шартнома бўйича лицензиарнинг лицензиатдан оладиган бадали каби масалалар аниқлаштирилиши лозим бўлиб, ўз навбатида ушбу шартлар шартноманинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шунингдек, адабиётларда лицензия шартномасининг муҳим шартлари бўлиб: ҳуқуқни тақдим қилиш ва тақдим қилинаётган ҳуқуқнинг шартлари¹, нархи билан боғлиқ шартлар², шартноманинг амал қилиш муддати ва ундан фойдаланиш доираси³ кўрсатилиши лозимлиги қайд этилади. Мазкур шартлар ичида эътибор бериладиган

¹ Шпак Е.С. Передача прав на использование товарных знаков: лицензионный договор // Юрист. 2004. № 1. – С. 29.

² Лабзин М. Существенный условия договор о правах на товарный знак // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. 2005. № 3. – С. 46.

³ Хасимова Л.Н. Лицензионный договор в праве промышленной собственности Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук.- Казань, 2006. – С. 9.

ҳолат бу шартномада кўрсатилган мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш доираси яъни унинг чегарасидир.

“Лицензия шартномасида бошқа шахсга мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш учун рухсат беришда унинг муомалада бўлиш ҳудуди, ундан фойдаланиш ҳажмлари аниқ кўрсатилиши лозим (масалан, фақат Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиши, Марказий Осий ҳудудида фойдаланиш, муайян технологик жараёндаги ишлаб чиқаришда фойдаланиш, фақат муайян маҳсулотга нисбатан фойдаланиш ва ҳ.к.)”⁴. Профессор О.Оқюлов “лицензия шартномасида берила-диган ҳуқуқларнинг фойдаланиш чегаралари ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилиши лозимлиги”ни⁵ таъкидлайди.

Лицензия шартномасида лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш доирасини, яъни ҳудудини белгилаш билан боғлиқ миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда турлича акс этганлигини кўрамыз.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1489-моддаси 1-қисмида “лицензиар лицензия шартномасида лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги мумкин”лиги билан боғлиқ диспозитив қоида белгиланган. Лекин, Ўзбекистон қонунчилигида ушбу шарт императив қоида сифатида белгиланган.

Германия “Товар белгилари ва бошқа белгиланган муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддаси 2-қисми 4-бандида лицензия шартномасида товар белгисидан фойдаланиш ҳудудининг кўрсатилиши шартлиги белгиланган. Лицензия шартномасида лицензиат томонидан фойдаланиш доирасини белгилаш билан боғлиқ ушбу мазмундаги қоида, хусусан бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам белгилаб ўтилади (масалан, Испаниянинг “Товар белгилари тўғрисида”ги Қонунининг 48-моддасида, Италия давлати “Товар белгилари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида ва ҳ.к.).

Юқорида, товар белгиларини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномасида лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини белгилаш билан боғлиқ қонунчилик ва айрим олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда, лицензия шартномасида товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини ифода-ланишига кўра:

1) товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ҳолда (Ўзбекистон Республикаси ФКда белгиланган талаб).

2) ёки шундай ҳудудни кўрсатмаган ҳолда фойдаланишга бериш каби икки шартномавий муносабатга ажратишимиз мумкин (муаллифнинг нуқтаи назарига кўра). Энди, қуйида ушбу шартларнинг лицензия шартномасида акс этиши билан боғлиқ ўзига хослигини таҳлил қилиб ўтамыз.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ (муаллифлар жамоаси): Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Vaktria press, 2013. – Б. 338.

⁵ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов. –Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 91.

Товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномасида ҳудудни белгилаш билан боғлиқ шартни белгилаш айни вақтда шартноманинг муҳим шarti ҳисобланса, бошқа ҳолатларда эса унинг лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқларининг маълум маънода чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам биз қонунчиликда лицензия шартномасида лицензиарнинг лицензиатга товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатиш масаласини иккига бўлган ҳолда ўрганишни жоиз деб топдик.

1. Товар белгисини лицензия шартномасига кўра лицензиатга ўтказишда ундan фойдаланиш ҳудудини кўрсатиш. Мазкур қоида, товар белгисидан лицензиатнинг қайси ҳудудларда товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш билан боғлиқ шартларни ўзида намоён этади.

Лицензия шартномасида лицензиатнинг товар белгисидан маълум ҳудудда фойдаланиш шартининг киритилиши, лицензиар-нинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади. Лицензиат эса, шартнома бўйича олган мазкур мажбуриятга риоя қилиши унинг бурчидир.

Шартномада лицензиат учун ҳудудни кўрсатиш ва лицензиатнинг фақат мазкур ҳудудда фаолият олиб бориши, яъни товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш билан боғлиқ фаолияти лицензиарнинг назорати остида амалга оширилади. Ушбу қоиданинг мазмуни, аввало товар белгиси эгаси билан бир ҳудудда лицензиатнинг рақобатлашмаслиги ва лицензиарнинг истеъмол-чиларини ўзига жалб этмасликни олдини олишдан иборатдир. Лицензиар эса, шартномада белгиланган қоидага кўра лицензиарга тегишли товар белгиси остида ишлаб чиқараётган маҳсулотини лицензиар фаолият олиб бораётган ҳудудда ишлаб чиқармаслик ва уни реализация қилмаслиги лозим.

Лицензиатнинг ишлаб чиқарган товар маҳсулотларини реализация қилишни чеклаш билан боғлиқ қоидани лицензия шартномасида белгилаш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигига мувофиқ йўл қўйилади. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддаси 1-қисмида “фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглиги, шартноманинг эркинлиги хусусий ишларга кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўққинликсиз амалга оширилиши” каби тамойиллар фуқаролик қонунчилигининг бош тамойиллари сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгилаб берилган мазкур принциплар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг амал қилиши лозим бўлган муҳим қоидалар ҳисобланиб, унга амал қилмаслик шартномани ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат нуқтаи назаридан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга қаратилган ҳар қандай шартномани тузишда у ёки бу тарафни мажбурлашга, қайсидир маънода тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 123-моддасига мувофиқ, “алдаш,

зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим суд томонидан ҳақиқий эмас” деб топилиши белгиланган. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси тарафларнинг шартнома муносабатларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятида юқорида тилга олинган принципларнинг ҳуқуқий моҳияти, кейинчалик келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар натижасида бир тарафнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келади.

Шартнома эркинлиги тамойили – бу қонунда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган, шартномавий муносабатлар субъектлари учун шартнома тузиш эркинлиги, тузилаётган шартнома турини танлаш ва шартнома шартларини эркинлигини мустақамловчи фуқаролик ҳуқуқининг асосий негизидир⁶.

Академик Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, “шартнома эркинлиги тарафларнинг шартнома муносабатларига киришишга доир ҳақиқий истаклари ва хоҳиш-иродалари мавжуд бўлишини тақозо этади”, - деб ҳисоблайди ва бу борада ўз фикрини давом эттириб, “бундай хоҳиш-ирода биринчидан, шартнома тузишга доир ҳаракатларда, иккинчидан шартнома шартларини белгилашга доир ҳаракатларда, учинчидан шартнома мажбуриятларини бажаришга доир ҳаракатларда намоён бўлади”, деган хулосага келади⁷.

Бошқа бир олимлар М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийларнинг фикрича, шартнома эркинлиги тамойили қуйидаги уч кўринишда намоён бўлади:

биринчидан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузишдаги эркинликлари; иккинчидан, тарафларга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ёки тутилмаган ҳар қандай шартномаларни тузиш имкониятини бериш; учинчидан, тарафларнинг ўзлари тузаётган шартнома шартларини эркин танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим⁸.

Товар белгисини бошқа шахсга бериш билан боғлиқ муносабатларда яна бир фуқаролик-ҳуқуқий тамойил – бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглиги” тамойилидир.

О.Н.Садиковнинг фикрича, “иштирокчиларнинг тенглиги барча фуқароларга бир хилдаги ҳуқуқ лаёқатининг белгиланганлиги, барча юридик шахсларга улар фаолият мақсадларидан келиб чиқиб, ҳуқуқ лаёқатининг ўрнатилганлиги билан изоҳланади.

⁶ Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России. – Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2003. – С. 39.

⁷ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2005. – Б. 227.

⁸ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общие положения. –М.: Статут. 2003. – С. 153.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бир субъектнинг иккинчисига нисбатан ҳокимият ваколатларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди”⁹.

Н.Д.Егоровнинг фикрича, “тарафларнинг юридик жиҳатдан тенглиги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдаги тарафлардан бирининг ҳуқуқий муносабатда тутган ўрни ва мақомидан келиб чиқиб, иккинчисининг ҳолатини белгилаб беришига йўл қўймаслигини билдиради”¹⁰.

Т.И.Илларионованинг фикрича, “субъектлар ҳуқуқий тенглигининг бошланиши ҳуқуқ субъектчилиги ҳажмини аниқлаш асосида, фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ҳар қандай муносабатларда ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва амалга оширилиши, мажбуриятларнинг бажарилиши механизмида кўрилади”¹¹.

Ҳуқуқшунос олим К.О.Синдоровнинг фикрича, “шартнома муносабатларида “кучсиз” тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи фуқаролик ҳуқуқининг асосий муаммоларидан биридир. Негаки, унинг амалга оширилиши, юзаки қараганда фуқаролик қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги тамойилидан чекинишга ўхшаб кўринади. Аслида, қонунчилик кучсиз тарафга муайян ҳуқуқлар бериш, иккинчи тарафга эса, кўшимча мажбурият юклаш йўли билан шартнома муносабатлари иштирокчиларининг ҳақиқий тенглигини таъминлайди”¹².

Товар белгисини бошқа шахсга лицензия шартномасига мувофиқ беришда ундан фойдаланиш ҳудудини кўрсатиш принципи фуқаролик қонунчилиги ва лицензиарнинг талаби билан белгиланадиган шартлардан биридир. Юқорида шартнома тузиш билан боғлиқ айрим тарафлар томонидан амал қилиниши лозим бўлган принципларга тўхталиб ўтган эдик. Мазкур принциплар лицензия шартномасида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин, мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқларини ҳамда товар бозорида унинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ўзгача талқин қилишга асос бўлади. Ушбу ҳолатда фуқаролик ҳуқуқи принциплари бузилмайди, балки лицензиарнинг манфаатлари нуқтаи назаридан унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Бу дегани, мазкур турдаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномада лицензиарнинг ҳуқуқлари эътиборга олинмаслиги унинг манфаатлари чекланади, деган мазмунда тушунмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 364-моддаси 1-қисмига мувофиқ, “агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади”, мазмунидаги қоида белгиланган. Унга кўра шахс, яъни лицензия

⁹ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. ч.1. (постатейный). Из-е 2./ Отв. ред. О.Н.Садиков. М.: Контракт: Инфра. 2003. – С. 2-3.

¹⁰ Гражданское право./ Под. ред. А.П.Сергеев. Ю.К.Толстого. т.1. –М.: 2003. Проспект. – С. 9.

¹¹ Гражданское право. Часть первая. / Под. ред. Т.И.Илларионова, Б.М. Гонгало, В.А. Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова). –М.: Норма-Инфра. 1998. – С. 13.

¹² Синдоров К.О. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. –Т.: Янги ар авлоди. 2003. – Б. 166.

шартномасида устун тараф лицензиарнинг лицензиат билан товар белгисидан фойдаланиш ҳудудидини ўзаро келишган ҳолда белгилаши ва ушбу ҳудудда лицензиатнинг товар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ қонданнинг ўзаро келишиши ва бу келишиш тегишли шартномада ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиши ҳар икки тараф учун, айниқса лицензиат учун шартноманинг муҳим шартидир.

Шартномада лицензиар томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини белгилашда лицензиатнинг фикри инобатга олинади. Тўғрироғи, лицензиар лицензиат учун товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини мажбурий шарт сифатида кўрсатиши ва уни шартномада акс эттирилишига йўл қўйилмайди. Лицензиар томонидан шартномада ушбу шартнинг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддаси 2-қисмида белгиланган “шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди”, мазмунидаги қонданнинг бузилишига сабаб бўлади. Лекин, тарафлар томонидан шартнома тузиш бурчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги” кўрсатиб ўтилади. Ушбу қоидага мувофиқ, бир тараф иккинчи тарафга ўзида мажбурий шартларни ифодалаган қоидаларни шартномада кўрсатишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ушбу модданинг 5-қисмига асосан “шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳоллар бундан мустасно”дир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддаси 5-қисмида белгиланган шарт махсус шартномавий муносабатлар қоидаларини амалда қўллашга рухсат беради. Хусусан, лицензия шартномасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддасида белгиланган “тарафлар товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ лицензия шартномасини тузишда ушбу товар белгисидан лицензиатнинг фойдаланиш доирасини белгилаб олиш шарт”лиги билан боғлиқ қондан асос қилиб келтиришимиз мумкин.

2. Товар белгисини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида беришда ундан фойдаланиш ҳудудидини кўрсатил-маганлиги. Товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномасида лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ҳолда тузиш шартноманинг муҳим шартни ҳисобланади. Энди, ушбу шартни назарий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддаси 1-қисмида “фуқаролик ҳуқуқларининг тўққинликсиз амалга оширилиши” билан боғлиқ қоида ҳамда ушбу модданинг 3-қисмида “товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидида эркин ҳаракатда бўлиш” принциплари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгиланган ушбу принциплар тор ва кенг маънода шарҳлаш мумкин. Товар белгисидан лицензиатнинг бир ҳудуд доирасида

товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий муносабат тор доирада тушунилса, лицензиатнинг товар ишлаб чиқариш, сақлаш ва ушбу маҳсулотни олди-сотди шартномаси орқали тасарруф этиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини кенг доирада тушуниш мумкин.

Адабиётларда товар белгисини бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномасида лицензиатнинг ундан фойдаланиш доирасини белгилаш мантиққа тўғри келмаслиги таъкидланади¹³.

Шунингдек, тадқиқотчи А.С.Касьяновнинг фикрича, “лицензия шартномасида интеллектуал фаолият натижасидан ёки шахсийлаштириш воситасидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатиш шартномани эркин амалга оширишга тўсқинлик қилмайди. Лицензия шартномасида унинг амал қилиш муддати ва ундан фойдаланиш доирасини белгилаш товар белгисини бошқа шахсга бериши лицензия шартномасининг муҳим шarti ҳисобланмайди. Лицензия шартномасида ҳудудни белгилаш тўғрисидаги шарт шартноманинг оддий диспозитив хусусияти ҳисобланади”¹⁴.

Шу ўринда бир ҳолатни аниқлаштириш лозим бўлиб, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддасида “тарафлар товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ лицензия шартномасини тузишда ушбу товар белгисидан лицензиатнинг фойдаланиш доирасини белгилаб олиш шарт”лиги белгиланган. Мазкур қоидада “лицензиатнинг фойдаланиш доираси” тушунчаси юқорида таъкидланганидек, аниқлаштирилиши лозим бўлган ҳолат саналади. Унга кўра, лицензиат товар белгисидан фақат лицензиар белгилаб берган ҳудудда товар ишлаб чиқариши ва ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотни фақат белгиланган ҳудудда реализация қилиши мумкинлиги билан боғлиқ тушунча келиб чиқади. Лекин, мазкур қоидани мутлақ принцип сифатида тушуниш лицензиат фаолиятига тўсиқ қўйишига ва унинг товар олди-сотди муносабатларида эркин қатнашиш эркинлигини чеклашига олиб келади.

Қоида бўйича лицензиат товар белгисини товар ишлаб чиқариш ва уни эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Буни ҳеч ким, ҳаттоки лицензиар ҳам чеклай олмайди. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги Қонунининг 4-моддасида “тадбикорлик фаолияти субъектларининг амал қилиши лозим бўлган хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги принципларига зиддир”, мазмунидаги қоида белгиланган. Яъни, лицензиар лицензиатга ишлаб чиқарган товар маҳсулотларини кимга сотиш кераклиги билан боғлиқ шартни шартномада кўрсатиши мумкин эмас.

¹³ Моргунов Е., Тулубьева И., Погуляев В. Комментарий к Закону РФ “О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров” // Приложения к журналу “Хозяйство и право”. 2005. № 11. – С. 27.

¹⁴ Касьянов А.С. Лицензионный договор: проблемы правового регулирования // «Патенты и лицензии». 2011. № 1. – С. 62.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддасида белгиланган шартномада товар белгисидан фойдаланиш қоидасини мажбурий эмас, балки ихтиёрий шарт сифатида белгилаш лозим.

Энди, қуйида нега ушбу шартни императив эмас балки, диспозитив шарт сифатида белгилаш лозимлигини асослашга ҳаракат қиламиз. Биз юқорида, лицензиатнинг лицензиарга тегишли товар белгисидан фойдаланиб, товар ишлаб чиқариши ва уни ҳар кимга олди-сотди шартмаси орқали реализация қилиш мумкинлигини ҳуқуқий асослантирган эдик.

Одатда лицензиат, ўз ишлаб чиқарган товар маҳсулотини лицензиарнинг розилигисиз ҳар кимга сотиши мумкин. Агар ҳудудийлик принципи нуқтаи назаридан ёндошилса, лицензиат товар белгисидан фақат маълум ҳудудда фойдаланади. Лицензиатнинг товар белгиси остида ишлаб чиқарган товар маҳсулотини Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ва Ўзбекистон ташқарисига ҳам реализация қилиши мумкин.

Лицензия шартномасида ҳудудийлик принципини белгиланиши, лицензиарнинг фаолият олиб бораётган ҳудудда у билан рақобатлашмаслик ва унинг истеъмолчиларига дахл қилмаслиги, яъни ўзига оғдириб олмаслиги мақсадида белгиланади. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Лицензиар ўз ишлаб чиқарган товар маҳсулотини бошқа шахсга сотиши ва бунинг натижасида лицензиар фаолият олиб бораётган товар бозорига лицензиатнинг ҳам товари кириб келишига сабаб бўлади. Бундан эса табиийки, лицензиарнинг норози бўлиши ва лицензиатга ўз эътирозларини билдириши мумкин. Натижада, лицензиарнинг ушбу товар бозорида лицензиат томонидан ишлаб чиқарган маҳсулоти билан тенг тижорат муомаласи юзага келади ҳамда лицензиар лицензиатга ўзи фаолият олиб бораётган ҳудудда ишлаб чиқарган товар маҳсулотини сотишни чеклашни ёки бўлмаса лицензиар лицензиатнинг лицензия шартномасида белгиланган ҳудудийлик принципини бузган деб ҳисоблаб шартномани бир тарафлама бекор қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатларини қўллашга ҳаракат қилади. Бундай шарт билан шартномани бир тарафлама бекор қилиш ҳам ҳуқуқий томонидан ҳам назарий жиҳатдан мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмида белгиланган ҳолларда, яъни лицензиат шартномани жиддий равишда бузса шартномани бир тарафлама бекор қилишга йўл қўйилади. Шартнома жиддий бузилган деб топиш Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 3-қисмига кўра, тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши, иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсдан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши” тушунилади. Лекин, биз сўз юритаётган ҳолатда лицензиатнинг ҳудудийлик принципини бузиш билан боғлиқ ҳеч қандай ҳуқуққа зид ҳаракатларни амалга оширмаганлигини, чунончи лицензиар фаолият олиб бораётган ҳудудда товар ишлаб чиқармаганлиги ва уни ушбу ҳудудда реализация қилмаганлигини назарда тутиш лозим. Чунки, лицензиат томонидан ишлаб чиқарилган товар маҳсулотини сотиб олган

шахс унга нисбатан мулкый ҳуқуқни қўлга киритади ва ўзига тегишли ашёни ҳар кимга, ҳар қаерда ва ўзи хоҳлаган нарҳда сотади.

Товар белгисини сублицензия шартномаси орқали бошқа шахсга беришда ҳудудийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 6-қисмига кўра, “лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланиши” белгиланган.

Ушбу хусусиятдаги шартномавий муносабатларни тартибга солувчи махсус нормаларда сублицензия шартномасини тузиш ва унда фойдаланиш ҳудудини белгилаш билан боғлиқ қоида белгилаб ўтилмаган. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 862-моддаси 5-қисмида “агар ушбу кодекснинг 50-боби (Комплекс тадбиркорлик лицензияси (Франшизинг)да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у шартноманинг моҳиятидан келиб чиқмаса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига ушбу кодекснинг интеллектуал мулк ҳақидаги қоидалар тегишли суратда қўлланиши” белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 864-моддаси 1-қисмига асосан, “... шартномада лицензиатнинг муайян вақт давомида фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти ҳам ёзиб қўйилиши мумкин”. Демак, шартнома тарафи лицензиат лицензиарнинг шартномада сублицензия шартномасини тузиш рухсат берилган ҳолларда сублицензиатга лицензиат томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳудуди кўрсатилиши шарт. Агар шартномада бундай ҳудудни аниқлаш бўйича тушунмовчилик мавжуд бўлса, лицензиат лицензиардан оқилона муддатда сублицензиат томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатишни ёзма равишда талаб қилиш ҳуқуқига эга. Лицензиар лицензиат томонидан билдирилган талабга мувофиқ тегишли муддатларда жавоб қайтариши лозим. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонунларда сублицензия шартномасини тузиш, унда муҳим шартларни киритиш билан боғлиқ алоҳида тартиб қоидалар белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига лицензия шартномасини тузиш билан боғлиқ муносабатларда ҳудудийлик принципи императив қоида сифатида эмас, балки диспозитив норма сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу қоида тушуниш ва уни амалда қўллаш юқорида таъкидлаб ўтилганидек мунозарали ҳолатларни келтириб чиқаришига сабаб бўлади. Бу эса, лицензиарнинг истаган вақтда лицензиат билан асоссиз равишда шартномани бир тарафлама бекор қилишига сабаб бўлади. Оқибатда эса, лицензиатнинг лицензия шартномасидан фойдаланиб олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадларининг чекланишига олиб келади.

Шунингдек, лицензия шартномаси тузилгандан кейин шартномада лицензиатнинг мажбурияти сифатида ушбу товар белгисидан қачондан бошлаб фойдаланганлиги тўғрисида лицензиарни маълум қилиши шартлиги билан боғлиқ қоида белгиланиши

лозим¹⁵. Чунки, лицензиар айнан қачондан бошлаб лицензиат томонидан товарни истеъмолчига тақдим этганлиги ҳамда ушбу товарнинг қандай сифатда эканлигидан хабардор бўлиши керак. Шу билан бирга, лицензия шартномасида лицензиатнинг мажбурияти сифатида ушбу шартнинг киритилиши, истеъмолчи-ларнинг сифатсиз маҳсулотни харид қилишидан олдини олиши билан муҳим аҳамият касб этади. Шартномада ушбу шарт одатда диспозитив хусусиятга эга. Чунки айрим сабабларга кўра, лицензиат товар белгисидан маълум муддат давомида фойдалана олмайди, шу билан бирга лицензиарни ҳам ҳар доим хабардор қилиш имконига эга эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, лицензия шартномасининг жавобгарлик қисмида лицензиатнинг маҳсулоти реализациясига чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилмаганлиги учун жавобгарлик билан боғлиқ қоида белгилаш мақсадга мувофиқ эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шпак Е.С. Передача прав на использование товарных знаков: лицензионный договор // Юрист. 2004. № 1. – С. 29.
2. Лабзин М. Существенный условия договор о правах на товарный знак // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. 2005. № 3. – С. 46.
3. Хасимова Л.Н. Лицензионный договор в праве промышленной собственности Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук.- Казань, 2006. – С. 9.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ (муаллифлар жамоаси): Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Vaktoria press, 2013. – Б. 338.
5. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов. –Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 91.
6. Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России. – Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2003. – С. 39.
7. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2005. – Б. 227.
8. Брангинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общие положения. –М.: Статут. 2003. – С. 153.
9. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. ч.1. (постатейный). Из-е 2./ Отв. ред. О.Н.Садиков. М.: Контракт: Инфра. 2003. – С. 2-3.
- 10.Гражданское право./ Под. ред. А.П.Сергеев. Ю.К.Толстого. т.1. –М.: 2003. Проспект. – С. 9.
- 11.Гражданское право. Часть первая. / Под. ред. Т.И.Илларионова, Б.М. Гонгалло, В.А. Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова). –М.: Норма-Инфра. 1998. – С. 13.

¹⁵ Ариевич Е.А. Лицензионный договор на товарный знак: закон нуждается в изменении // Патенты и лицензии. 1998. № 9. – С. 34.

12. Синдоров К.О. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. –Т.: Янги ар авлоди. 2003. – Б. 166.
13. Моргунов Е., Тулубьева И., Погуляев В. Комментарий к Закону РФ “О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров” // Приложения к журналу “Хозяйство и право”. 2005. № 11. – С. 27.
14. Касьянов А.С. Лицензионный договор: проблемы правового регулирования // «Патенты и лицензии». 2011. № 1. – С. 62.
15. Ариевич Е.А. Лицензионный договор на товарный знак: закон нуждается в изменении // Патенты и лицензии. 1998. № 9. – С. 34.

